УШБУ СОНДА:
СОЛИҚ ВА ЖАРИМА 2
STEUFA: ВАКОЛАТ ВА ТАЖРИБА 3
ЧЕКАЁТГАН БОЛА
ЯХШИЛИК — ҲАЁТ МАЪНОСИ 4

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 49 (405)
2004 йил 21 декабр сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

**Сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.**

**Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тугатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин.**

**Депутатликка номзод сайловга қадар истаган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.**

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 31-МОДДА

# ЧИН ФАРЗАНДЛИК ВА ФУҚАРОЛИК БУРЧИ

***Шу ҳафта мамлакатимиз иқтисодий-сиёсий ҳаётида улкан тарихий воқеа рўй беради. 26 декабр куни янги икки тизимли Парламент ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлигига сайловлар бўлиб ўтади. Ушбу сайловларнинг муҳим аҳамияти шундаки, бу жараён қонун ижодкорлиги соҳасида мутлақо янгилик бўлган қонунчилик палатасини шакллантиради.***



Ўз навбатида қонунчилик палатаси давлат ҳокимиятининг бошқа тузилмалари — ижро ва суд тизими фаолиятига таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, сайланган депутатлар ушбу тизимларни ҳаракатга келтиради. Бу эса сайловчилар учун ҳам, сайланувчилар учун ҳам улкан бурч ва масъулият демакдир. Чунки эркин фуқаролик ва ҳуқуқий демократик жамиятда ҳар бир фуқаро ўзи сайлаган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этади. Зеро, халқ ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи бўлгани сабабли сайлаш ва сайланиш тараққиётнинг асосий шарти ҳисобланади. Бунда сайловчилар ўз ваколатларини вакиллар ва сайланган депутатларга беради. Халқдан бундай юксак ваколат олган вакил ёки депутат аввало, сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя килиб, уларнинг орзу-интилишларини ифода этади ва шу орқали халк хизматчисига айланади. Мамлакатимизда хам шундай муҳит ва дунёқарашни шакллантириш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, маъмурий жабҳада кечаётган кенг кўламли ўзгаришлар ҳам жамоатчилик назоратини қарор топтиришга йўналтирилган.

Бу йил мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентга ўтадиган сайловларни умумэътироф этган тамойилларга хос ва демократик руҳда ўтказиш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда десак, муболаға эмас. Шу мақсадда миллий сайлов тизими ва конунчиликка бир нечта муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилдики, бу сайловда ғалаба учун курашувчилар ўртасида тенг рақобат муҳитини қарор топтиргани билан барча сиёсий партия вакилларини мамнун этмоқда. Зеро, дунё тажрибасининг кўрсатишича, сайловда ғалаба қозониш кўп жиҳатдан амалдаги сайлов тизими ва қонунчиликка боғлиқ.

Хўш, бу янгиликлар нималардан иборат?

Дастлабки ўзгариш шундан иборатки, бу йилги сайловларда ҳокимият вакиллик идоралари депутатликка номзод кўрсатмайди. Бу эса сайловда соф рақобат муҳитини яратади.

Ўзгаришларнинг кейингиси сайловчиларнинг 33 фоизи иштирок этса бас, сайлов ўтган деб хисобланишида ўз аксини топган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, энди “сайловчиларнинг мутлақ фаоллиги” муҳим аҳамиятга эга эмас. Бу билан бурунги сайловларда учраганi каби бутун оила номидан бир киши сайловда иштирок этиб, бир неча бюллетен тўлдириши ҳолатларига чек қўйилади ва пировардида Конституциямиздаги *“ҳар бир сайловчи бир овозга эга”*, дея қайд этилган меъёр амалда кафолатланади.

Энг муҳим янгилик эса **“Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”**ги қонуннинг қабул қилинганидир. Ушбу қонунга мувофиқ, сиёсий партияларнинг сайловолди жараёнидаги фаолияти ва тарғибот-ташвиқот иши давлат томонидан молиялаштирилади. Натижада сайлов чоғида сиёсий партиялар молиявий имкониятларини кўз-кўз қила олмайди ва сайловчи партиянинг ортидан унинг мақсади ва дастурига қараб эргашади.

Сиёсий партияларга ажратиладиган маблағ сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилиш, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари, номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаолларининг ишини ташкил этиш сингари сайлов компаниясини ўтказишга доир тадбирларга сарфланиши лозим.

Агар сиёсий партия сайлов якунига кўра, қуйи палатада фракция тузиш учун етарли ўрин ола олмаса (фракция тузиш учун бир сиёсий партиядан кўрсатилган номзодларнинг камида 9 нафари сайланган бўлиши керак), у ҳолда давлат маблағлари мазкур партиянинг бошқа манбаларидан олган маблағлари ҳисобидан давлат бюджетига қайтарилиши лозим. Агар сиёсий партия сайловда фракция тузиш даражасида муваффақиятли иштирок этишига кўзи етмаса ёки молиявий имкониятлари сайлов жараёнини ташкил этишга етарли бўлса, у ҳолда ўз ихтиёрига биноан давлатдан маблағ олмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”**ги қонунга ҳам тўртта ўзгартиш ва қўшимча киритилди. Улардан бирида баён этилишича, сиёсий партия кўрсатган депутатликка номзодлар жами сонининг 30 фоизи хотин-қизлар бўлиши шарт. Бу юртимизда аёлларнинг фаоллигини ошириш ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсатининг амалдаги намойишидир.

Амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ, парламентга сайловларда сиёсий партиялар билан бирга сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ҳам депутатликка номзод кўрсатишди. Ташаббускор гуруҳ тузиш учун аввал 100 нафар сайловчи тўпланиши зарур бўлган бўлса, энди 300 нафар сайловчи якдил фикрга келиб, ана шундай гуруҳ тузиши мумкинлиги амалда ўз исботини топди.

Шу ўринда икки палатали парламентнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Гап шундаки, доимий асосда фаолият юритувчи профессионал қонунчилик тизими аввало қонун ижодкорлиги ва уни қабул қилиш жараёнини демократлаштириши баробарида барча ҳудудлардаги фуқароларнинг манфаатларини кафолатлайди. Иккинчидан, у кўппартиявийлик муҳитини юзага келтиради ва фуқароларнинг сиёсий фаоллигини кучайтиради. Бу эса ушбу тизимнинг тараққиёт истиқболида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Шу боис сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади. Бу бурчни адо этиш жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш демакдир. Зотан, жамиятимиз қанчалик юксалса ва ривож топса, унда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи тўлиқ кафолатланади, турмуши фаровон бўлади. Шу маънода сайловларда фаол иштирок этиш буюк келажак яратишдир, десак, асло хато эмас. Демак, эртасини ўйлаган ҳар бир инсон сайлаш бурчини сидқидилдан адо этади.

**Умиджон БАКИРОВ**

## ЎТГАН ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ХАБАРЛАРИ

***“Сиҳат-саломатлик йили” давлат дастурини шакллантириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши эълон қилинди.***

* * *

***Президентимизнинг Фармонига кўра, Сайфиддин Умарович Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланди.***

* * *

***Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари Макс Озер ва Пребер Расмуссен Бухоро вилоятида сайлов кампанияси билан танишди.***

* * *

***Тошкентда “Фото олами”, “Noridsu” (Япония) ва “Кодак” (Германия) компаниялари томонидан ташкил этилган учинчи халқаро фотоускуналар кўргазмаси бўлиб ўтди.***

* * *

***Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган анъанавий оммавий ватанпарварлик ойлиги бошланди.***

* * *

***Япониянинг “Toshiba Eieyatir and Buiiding Systems” корпорацияси жаҳондаги энг тез ҳаракатланувчи лифтни ишга туширганлигини маълум қилди. Дунёдаги энг баланд бино — Хитой Тайпейидаги 140 қаватли иншоотга ўрнатилган мазкур лифт соатига 60,6 километр тезликда ҳаракатланади.***

* * *

***Филиппиндаги Минданау оролида жойлашган Хенерал-Сантос шаҳридаги очиқ бозорда рўй берган кучли портлаш натижасида камида 15 киши ҳаётдан кўз юмди, 60 га яқин киши жароҳатланди.***

* * *

***Бутан қироллиги ўзининг бутун ҳудудида чекиш ва тамаки маҳсулотларини сотишни тўлалигича таъқиқлаган жаҳондаги биринчи мамлакат бўлди.***

* * *

***2012 йилда бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларини ўтказиш учун дунёнинг энг кўзга кўринган шаҳарлари ўртасида муросасиз кураш кетмоқда. Яқинда Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ) якуний режасини эълон қилди. Унда 5 та номзод шаҳар тавсия этилди. Улар Лондон, Мадрид, Москва, Нью-Йорк ва Париж шаҳарларидир. 2005 йилнинг 6 июл куни Сингапурда ўтказиладиган ХОҚнинг якуний йиғилишида натижалар эълон қилинади.***

Taraddud

# САЙЛОВГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев бошқарди.

Мажлисда алоқадор идора ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва хорижий кузатувчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Аъзам Избосаров, ички ишлар вазири ўринбосари Зуҳриддин Бобокалонов ҳамда мудофаа вазири ўринбосари Маннобжон Аҳмедовнинг сайловга тайёргарлик борасидаги ишлар юзасидан ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 120 сайлов округи тўлиқ телефонлаштирилган. Шу билан бирга, алоқа воситалари ва хизматлари узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида мутахассисларнинг навбатчилиги ташкил этилди. Жойларда заҳира учун телефон аппаратлари, кабеллар, транспорт воситалари ва ёнилғи тайёрлаб қўйилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Марказий банк мутахассислари билан ҳамкорликда Марказий сайлов комиссиясининг ягона компьютер тармоғи яратилди. Бу сайлов куни барча округ сайлов комиссиялари билан боғланиш имконини беради.

Мажлисда мамлакатимиз ҳудудидаги барча сайлов округлари ва участкаларида, сайлов куни овоз бериш хоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини жиддий назорат қилиш ва умуман, ана шу муҳим оммавий тадбирни тинч ва бехавотир ўтказишдек масъулиятли вазифа алоҳида эътиборда тургани таъкидланди.

Қуролли Кучлар тизимида ҳам сайловга тайёргарлик кўтаринки руҳда бораётир. Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилувчи бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари тузилди. Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар ўртасида, оммавий ахборот воситаларида бу галги сайловларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг тушунтирилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси вакиллари жойларда бўлиб, сайлов округлари ва участкаларининг сайловга тайёргарлиги билан боғлиқ аҳволни чуқур ўрганмоқда. Комиссиянинг ўтган галги мажлисида ушбу масала атрофлича танқидий таҳлил этилганди. Оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам айрим сайлов участкаларидаги қониқарсиз ҳолатларга бир неча бор эътибор қаратилди.

Йиғилишда мазкур масала юзасидан Тошкент шаҳри Собир Рахимов тумани ҳокими Бахтиёр Ҳакимов, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ҳокими Абдураҳим Чориев ва Сирдарё вилояти Янгиер шаҳри ҳокими Аҳад Остоновнинг ахбороти тингланди. Тегишли ҳудудларда бу борада йўл қўйилган баъзи камчилик ва нуқсонлар бартараф қилингани қайд этилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири**

Qonun ko`magi

# ИЖРО ЭТИЛГАН ТАҚДИМНОМА

***Шу йил иккинчи июн куни Ромитан туманидаги “Неъматобод” фермер хўжалиги раҳбари Нусрат Асадов Бухоро вилояти адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимлиги асоссиз равишда фермер хўжалигини тугатиш учун ҳаракатлар олиб борганини баён этган.***

Шунингдек, у ҳокимлик қарори ноқонуний бўлгани сабабли 2002 ва 2003 йилларда вилоят хўжалик суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди ҳал қилув қарорлари билан бекор қилинганини, аммо бунга қарамай, сунъий тўсиқ барҳам топмаётганини билдирган.

Хўш, нега туман ҳокимлиги фермер хўжалиги фаолиятига аралашиб, тўсиқ бўлаяпти? Ҳатто ҳокимлик мутасаддилари фермер хўжалигига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта етиштиришни маблағ билан таъминлаш юзасидан бериладиган имтиёзли кредитни қайтарилишини суғурталаш бўйича суғурта жавобгарлигини олиб беролмаслиги тўғрисида “Ўзагросуғурта” Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг туман бўлими томонидан “Замин” Давлат акциядорлик ипотека банки вилоят филиалига билдиришнома ташкил этганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, фермер хўжалиги раҳбарининг аризаси жойида чиқиб ўрганилганда яна кўп нарсалар ойдинлашди. Жумладан, туман комиссияси аъзолари мониторинг асосида шу йил 27 май куни фермер хўжалигида ўтказган текшириш чоғида яна бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйган. Чунончи, фермер хўжалигига тегишли бўлган 314 ва 315-контурларда экилган пахта майдонларига умуман агротехник тадбирлар ўтказилмаган, ерни бегона ўт босган, деган сохта далолатнома тузилган. Унда кўрсатилган камчиликлар Неъмат Авезовга (?!) уқтириб ўтилиб, уч кун орасида бартараф этиш тўғрисида огоҳлантирилган. Бироқ фаромушхотирликни қарангки, Неъмат Авезов исм-шарифли киши фермер хўжалиги аъзолари рўйхатида умуман йўқ...

Мутахассислар иштирокида фермер хўжалигида ўтказилган қайта текширишда 2004 йил 27 май кунигача 314 ва 315-контурларда уч марта агротехник ишлов берилгани, экинлар бегона ўтдан тозалангани аниқланди. Бунинг устига зўрмазўраки тузилган далолатномадан фермер хўжалиги раҳбари бехабар қолган.

Ҳолбуки, “**Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**”ги қонуннинг 17-моддасида хўжалик юритувчи субъектда ўтказилган текшириш давомида аниқланган камчиликлар юзасидан тузилган далолатноманинг бир нусхаси унинг ихтиёрига қолдирилиши белгилаб қўйилган.

Хуллас, фермер хўжалиги 37 гектар ҳосилдор ернинг 33 (!) гектарига агротехник ишлов бермагани, ўт босгани сабабли имтиёзли кредитдан маҳрум қилиш тўғрисидаги “Ўзагросуғурта” ДАСКнинг Ромитан бўлимига билдирги юбориш ҳам шу тариқа “дунёга” келган.

Вилоят адлия бошқармаси йўл қўйилган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида туман ҳокимлигига тақдимнома киритди.

Хусусан, мазкур тақдимномада қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича туман комиссияси Президентимизнинг 1998 йил 19 ноябрдаги “**Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида**”ги Фармони талабларига амал қилмагани таъкидланган.

*(Давоми иккинчи бетда)*

Huquqiy ma`rifat

# КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ

## унинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат

***Тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида кредит муносабатлари муҳим аҳамиятга эга. Қонунчиликда кредит деганда ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан муайян муддатга тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар тушунилади.***

Кредит муносабати икки субъект ўртасида юзага келади. Биринчи субъект пул эгаси, яъни қарз берувчи банк, халқаро кредит ташкилотлари, давлат, бундан ташқари, махсус лицензия асосида кредит бериш ҳуқуқига эга бўлган бошқа ташкилотлар бўлиши мумкин. Иккинчи субъект эса пулга муҳтож, яъни қарз олувчи тадбиркорлар, юридик шахс мақомига эга бўлган ҳар қандай корхона, ташкилот, муассасалар ва бошқалар ҳисобланади.

Кредит — товар ва пул кўринишидаги маблағлар муайян муддат давомида қайтариб бериш ҳамда фоиз тўлаш шартлари асосида бериш натижасида юзага келади; кредит банк томонидан кредит — ссуда шартномаси асосида пул маблағлари кўринишида берилади.

Кредит муносабатлари бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Кредитор қарз олувчини тўловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шунингдек, шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Ўз навбатида қарз олувчи ҳам кредит олишни бутунлай ёки қисман рад этиш ҳуқуқига эга. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи бу ҳақда кредиторни кредит шартномасида белгилаб қўйилган кредит бериш муддатигача хабардор қилиши шарт. Қарз берувчи кредит шартномасида назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузган тақдирда кредитор шартнома бўйича қарз олувчини бундан буён кредитлашни тўхтатишга ҳақли (ФКнинг 746-моддаси).

Тарафлар бир тарафнинг кредит шартномаси шартлари асосида турига хос аломатлари билан белгиланган ашёларни иккинчи тарафга бериш мажбуриятини назарда тутувчи шартномани тузишлари мумкин.

Ашёларни кредитга бериш тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартноманинг берилаётган ашёларнинг миқдори, ассортименти, тўлиқлиги, сифати, идиши ва ўралиши ҳақидаги шартлари товарларни олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ бажарилиши шарт (ФКнинг 747-моддаси).

Бажарилиши учун пул маблағларини ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган бошқа ашёларни иккинчи тарафга мулк қилиб топшириш талаб қилинадиган шартномаларда агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол белгилаб қўйилган бўлмаса, кредит бериш, шу жумладан, бўнак, олдиндан ҳақ тўлаш, товарларга, ишлар ёки хизматларга ҳақ тўлашни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида кредит бериш (тижорат кредити) назарда тутилиши мумкин.

Тегишли мажбурият баён қилинган шартнома тўғрисидаги қоидаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у мазкур мажбуриятнинг моҳиятига зид келмаса, тижорат кредитига нисбатан тегишли равишда ушбу бобнинг қоидалари қўлланилади (ФКнинг 748-моддаси).

Кредит тўрт хил вазифани адо этади:

- биринчидан, пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (масалан, вексел, чек, сертификат ва бошқалар) юзага чиқариб, уларни хўжалик айланмасига жалб қилади;
- иккинчидан, у бўш турган пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, “пулни пул топади”, деган қоидани амалга оширади;
- учинчидан, қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлайди;

*(Давоми учинчи бетда)*

Qutlov

# КАМОЛОТ СОҲИБИ



Инсон ҳаётида 50 ёш камолот, етуклик палласи ҳисобланади. Тажрибали ҳуқуқшунос, ҳамкасбимиз Зариф Давронов ана шу қутлуғ ёшга етгангача қадар сермазмун, кўпчилик ҳавас қилса, арзийдиган шарафли ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Ҳуқуқшунос сифатида дастлабки меҳнат фаолиятини Сирдарё вилояти прокуратурасида терговчи сифатида бошлаган Зариф Давронов кейинчалик Мирзаобод туман суди раиси, Сайхунобод туман суди раиси, Янгиер шаҳар суди раиси каби масъулиятли лавозимларда фаолият юритди. Ана шу жараёнда унинг ҳуқуқшунослик касбига иқтидори нечоғлик баландлиги, ҳар бир ишга катта масъулият билан ёндашадиган талабчан инсон экани яна бир бор намоён бўлди. Ўз вақтида унинг суд ишини юритишдаги тажрибалари ижобий деб топилиб, республика судларида ўрганиш учун оммалаштирилгани шундан далолат беради.

Таъкидлаш ўринлики, Зариф Давронов қаерда ва қандай лавозимда ишлашидан қатъи назар, ҳамиша қонун кучига таяниб фаолият юритиши, фидойилик ва талабчанлиги туфайли жамоатчилик ўртасида катта обрў-эътибор қозонган. Унинг Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Фахрий Ёрлиғи билан тақдирлангани ҳам ана шу фаолиятига берилган муносиб баҳо деб биламиз.

Ҳамкасбимизни қутлуғ 50 ёш билан самимий қутлаб, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, келгусидаги ишларингизга ривож тилаймиз.

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАСИ**

Yangi nashr

# НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

Яқинда Адлия вазирлиги ҳузуридаги "Адолат" нашриёти "Ҳуқуқий меросимиз хазинаси" туркумида Маҳмуд Сатторов томонидан тайёрланган "Ҳадислар — болаларга" қўлланмасини нашрдан чиқарди. Бу китобнинг дунёга келиши ғояси муаллифи — Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов. Домланинг лойиҳасига кўра, мазкур қўлланма ўрта мактабларда ўқитилаётган "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Диншунослик" дарсларига кўмакчи адабиёт бўлиб, биринчи навбатда ўқувчиларга, айни пайтда ота-оналарга мўлжалланган қўлланма бўлиши лозим. Мазкур нашр масъул муҳаррири исломшунос олим Убайдулла Уватов.




Мазкур қўлланмада 500 ҳадис танланиб, турли бўлимларга ажратилиб, талқин этилган. Ҳадисларда мавзу ва йўналишлар бўйича Ватан ва ватанпарварлик туйғуси, диний ва дунёвий илмларни ўрганиш, маънавият ва маърифатни юксалтириш, боланинг одоб-ахлоқини миллий ва умуминсоний андозаларда шакллантириш масалалари илгари сурилган. Шу билан бирга, XXI аср ўқувчиси ота-онага ҳурмат ва қариндошлик мажбуриятларини унутмаслиги, эътиқод ва диёнатда собит инсон бўлиб вояга етиши, ўз танлайдиган касб-корига ихлос ва садоқатда камол топиши, янги замон фарзанди сифатида тадбиркорлик, мулкдорлик ва закот хусусида муайян маълумотга эга бўлиши танланган ҳадис намуналарида ўз мантиқий такомилини топган.

"Ҳадислар — болаларга" қўлланмаси лотин ёзувида чоп этилган.

**Бахтиёр ЭРГАШЕВ**

Turmush chorrahalarida

*Ҳаётнинг шундай лаҳзалари бўладики, биргина қўйилган қалтис қадам инсон тақдирини бутунлай ўзгартириб юборади. Таъбир жоиз бўлса, ҳаётни баъзан шахмат ўйинига қиёслашади. Бироқ, шаҳматда бой берилган ўйинни янгидан бошлаш мумкин. Ҳаёт эса бетакрордир.*

# ЯХШИЛИК — ҲАЁТ МАЪНОСИ

### I. ОҚИБ КЕТГАН ОРЗУЛАР

Ёзнинг илк кунида туғилгани учунми, ҳар ҳолда Дилмурод таваллуд кунини жўралари билан Сирдарё бўйида нишонлашни одат қилганди. Бу сафар ҳам улфатлар дарё сувида мазза қилиб чўмилиб, зиёфатга ўтирадиган бўлишди. Ҳамон сувдан чиққиси келмаётган Дилмурод дўстларининг қистовига икки оғиз гапи билан барҳам берди: — Сизлар дастурхон тузаб бўлгунларингча ўғлим билан ортларингдан етиб борамиз, — деди у.

Қирғоқдагилар истар-истамас чодир тикилган томонга кетишди.

Ота-бола эса дарёнинг ўртасига қараб сузишарди. Шу тобда сувнинг кўтарила бошлаганини, сув остидаги беқарор қум уюмлари ўрни гирдоблар ҳосил бўлаётганини ҳеч ким билмасди.

Дастурхон атрофида давра қурган жўралар ота-боланинг ҳаяллаганидан хавотирга тушган паллада кечикиб келган Баҳриддиннинг автомашинасидан тушибоқ айтган ҳазил гапи нақ юракларини ёриб юборгудай бўлди.

— Дилмурод кўринмайди, сув парилари обқочиб кетмадими?

Бу гапни эшитиб ҳамма бараварига ўрнидан туриб дарё томонга югуриб кетди. Қирғоқ ёқасидаги буталар ёнида дир-дир титраганча йиғлаб ўтирган Элмуроднинг ёлғиз ўзини кўрган жўралар нохушлик юз берганини дарров сезишди.

Болакай тутила-тутила бўлган воқеани шундай тушунтирди.

— Бирдан мени сув тагига торта бошлади. Дадам мени судраб қирғоқ томонга суза бошлади... Бир амаллаб дадам мени қирғоққа чақирди-ю, ўзи сув юзида бир кўриб бир кўринмай дарёни ўртасига қараб кетди...

Уч кундан сўнг Дилшоднинг мурдаси дарёнинг қуйи қисмидан топилди.

Ҳаётнинг бундай оғир зарбасига юраги дош бермаган Нафиса ҳам орадан кўп ўтмай оламдан ўтди. Бепуштлиги туфайли оиласи билан ажрашиб тоғаларинikiга сиғмай юрган Элмуроднинг яккаю ягона яқин қариндоши бўлмиш Зарифа бола тарбиясини ўз зиммасига олди.

Эндигина 30 ёшни қоралаган кўҳликкина бу жувон бир йилдан сўнг қўшни қишлоқлик дўкондор йигитга турмушга чиқди ва уни Дилшоднинг данғиллама ҳовлисига бошлаб келди.

### II. БОШИНГ ТОШДАН БЎЛСИН, БОЛАЖОН

Эндигина биринчи синфга қатнаётган Элмурод ҳар куни битта янгилик топиб келарди. Бугун ҳам худди шундай бўлди.

— Холажон, бугун сизни исмингизни ёзишни ўрганиб олдим, — деди ўзида йўқ хурсанд бўлган Элмурод сумкасини титаркан. — Ҳозир сизга кўрсатаман.

— Керакмас, менга кўрсатмай қўяқол, — деди ясан-тусан қилаётган Зарифа, — яхшиси, китоб-қоғозларингни сумкангга яхшилаб жойла. Энди болалар уйига борасан, ўша жойда яшайсан. Бу ерда бир ўзинг зерикяпсан. У ерда ўртоқларинг кўп бўлади.

— Мен ҳеч қаёққа бормайман, — деди йиғламсираган болакай гап нима ҳақида кетаётганини сезмаса-да...

Балоғат ёшига етмаганлар комиссияси аъзолари қанчалик уринишмасин, болани уйда олиб қолишга Зарифани кўндиришолмади.

— Ахир, Элмуроднинг сиз ягона яқин қариндошисиз, онаси ўрнида онасиз. Охирини ўйлаб иш қилинг, — деди комиссия раиси.

— Бу етимчанинг ота-онаси ўлиб кетган бўлса, мен айбдорманми? Мен ҳам одамларга ўхшаб яшагим келади. Боладан хабар олиб тураман...

Отаси ҳам болалар уйида катта бўлганди, қонида бор, кўникиб кетади.

Шундай қилиб, Элмуроднинг болалар уйидаги ҳаёти бошланди.

### III. ҚАЙТАР ДУНЁ

Элмуроднинг отасидан қолган уйни товламачи эрининг номига ўтказиб берган Зарифа чучварани хом санаганини тезда сезиб қолди. Лекин энди кеч бўлганди. Оилавий жанжалларнинг бирида "туғмайдиган хотин менга керак эмас", деб эри уни уйдан ҳайдаб юборди.

Фирибгарнинг алдовларига учиб, ҳаётда қаттиқ янглишганини тушунган Зарифа болалар уйидан Элмуродни олиб, узоқ-узоқларга кетмоқчи бўлди. Лекин у оналикдан маҳрум қилингани учун болага бир сўз деёлмади.

Устига устак, юзимга оёқ тирадинг деб, тоғаси ҳам Зарифани уйига киритмади. У сарсон-саргардонликлар тугаб, турмуши изга тушгандан кейин ҳам Элмуродни кўп қидирди, лекин дарагини тополмади.

### IV. УЧРАШУВ

Элмурод мактабни битириб, тиббиёт институтига ўқишга кирди. Севган қизига уйланиб, оилали бўлди. У узуқ-юлуқ хотирасида қолган Зарифа холасини тез-тез эслаб турарди. Унинг энди умидлари узилай деганда юз берган воқеа тақдирнинг янги саҳифасини очди.

Қариялар уйидан телефон қилишиб, бемор аёлни юрак хуружи безовта қилаётганини хабар қилишганда Элмурод тунги навбатчиликни топшириб уйига кетаётганди. Беморнинг исми Зарифа экани уни ўйлантириб қўйди.

— Шу беморни ўзим кўриб келаман, — деди у шеригига оқ халатини илгакдан олиб шошиб кирган.

Олтмиш ёшни қоралаган бўлса-да, анча кекса кўринадиган бемор аёл "Тез ёрдам" етиб келганда ҳушидан кетганди.

Элмурод беморни тезда шифохонага олиб келиб, икки кунгача олдида ўтирди. Учинчи куни ўзига келган аёл қаршисида мудраб ўтирган шифокорга кўзи тушиб, эшитилар-эшитилмас "Элмуроджон" деди.

Ўз исмини бемордан эшитган Элмурод икки кундан бери минг истиҳола ва умид билан кутган саволига жавоб топганини тушунди. У холасини оҳиста бағрига босди.

— Холажон бизни тақдир учраштирди, — деди кўзида қувонч ёшлари билан Элмурод, — энди ҳеч нарса бизни ажратолмайди. Ҳозир фақат ҳеч нарса деманг, хўпми?..

Зарифа опа бутунлай соғайгач, Элмурод уни қўярда-қўймай уйига олиб кетди. Элмурод ва келини Зарифа опани бирга яшашга кўндиришди.

— Мени гуноҳим кечирилмас гуноҳ, — деди Зарифа опа уф тортиб, — умримнинг охиригача ўзимни қарғаб ўтаман. Э, аттанг.

— Кўриб турибман, сиз ўзингизни бекорга виждон азобида қийнаяпсиз, холажон, — деди Элмурод ўйчан. — Мени гапларимга ишонмаяпсиз. Ундай бўлса, мени кечиринг-у, сизга бир савол бераман. Айтингчи, она фарзандидан, фарзанд онасидан бирон нарса сабаб бўлиб бутунлай кечиб кетиши мумкинми?

— Бундай бўлиши мумкин эмас деди, — Зарифа опа.

— Шу гапингиз чин бўлса, сизни бугундан бошлаб онам ўрнида она деб чақираман. Онамга ўхшаб кетасиз, қолаверса, ёшлигимда оқ ювиб-оқ тарагансиз, — деди Элмурод.

Бу самимий сўзлари, меҳр-оқибатдан Зарифа опанинг кўнглидаги шубҳа- гумонлар эриб кетди.

### V. КУТИЛМАГАН МЕРОС

Бозор айланиб юрган Зарифа опа одамларнинг ғала-ғовурида кимдир унинг номини айтиб чақираётганини аниқ эшитди-ю, атрофга қанча тикилмасин таниш қиёфани тополмади.

"Бозорда Зарифадан кўпи борми? — деб ўзига-ўзи дашном берди у.

Яна икки қадам босмай уни чақираётган аёлга кўзи тушди.

Улар қучоқлашиб сўрашишди.

— Ўша-ўша ҳуриликосиз, Зарифахон, — деди қўли-қўлига тегмай картошка тортаётган ўзи тенги шаддод аёл, — тез қишлоққа боринг, эрингиз ўлиб кетди, меросхўр сиз экансиз.

— У уйнинг ҳақиқий меросхўри бор, мен унга, албатта, гапингизни айтиб қўяман, — деди Зарифа опа.

— Ишқилиб, қарз гапни сизга етказдим, у ёғини ўзларингиз биласизлар, — деди бир вақтлар унинг қўшниси бўлган аёл.

Зарифанинг эшитиши билан Элмуроднинг ҳафсаласи пир бўлди:

— Қўйинг, онажон, ўша уйсиз ҳам тинчгина яшаяпмиз.

— Болам, нима бўлганда ҳам отангдан қолган уй харобага айланса, эгасиз ётса яхшими?

Элмурод унинг гапини икки қилолмади.

Меросхўрлик ҳуқуқи тиклангач, онаси билан маслаҳатлашган Элмурод маҳалла қўмитаси раисига учрашиб, уйни серфарзанд оилага ҳадя қилмоқчилигини айтди.

— Ҳимматингиз учун раҳмат, ука, ҳақиқий ота ўғли бўлибсиз, — деди оқсоқол. — Гапнинг индаллоси шуки, маҳалламизда ҳадяга қараб қолган оила йўқ. Лекин жойи торлик қилиб қолган серфарзанд оилага уйингизни кўнглингиздан чиқариб, арзонроқ нархда сотсангиз, олган ҳам, сотган ҳам савобга эга бўлади. Қолаверса шу уйни қурган ота-онангизнинг арвоҳлари ҳам шод бўлади.

Элмурод оқсоқолнинг маслаҳатига рози бўлди.

### VI. ХОТИМА

Ҳаёт йўли паст-баландликлардан иборат. Унинг қийинчиликларини сабр ва матонат билан енгиб ўтолганларгина бахт-саодатга эришади, ҳурмат-эътибор қозонади. Бундай инсонлар орамизда жуда кўп.

Яхши ниятли одамлар билан ҳаёт янада гўзал, эртанги кун эса бугунгидан ҳам мунаввар бўлиб кўринади. Зеро, тирикликнинг мазмун-моҳияти яхшиликда жамулжамдир.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ, "Инсон ва қонун" мухбири**

Muhokama uchun mavzu

# ЧЕКАЁТГАН БОЛА

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Энди масаланинг биринчи жиҳатини олиб кўрайлик. Тўғрисини тан олиб гапирадиган бўлсак, биз камдан-кам ҳолатда қўшнининг боласига танбеҳ берамиз. Агар ён қўшнимизнинг ўсмир ўғли ёки қизи бирор-бир номақбул иш билан шуғулланиб турганини кўрсак ҳам "менга нима" қабилида қўл силтаб қўя қоламиз. Ўйламаймизки, эрта бир кун ўзимизнинг фарзандимиз ҳам қўшнимизнинг ўғли ёки қизига тақлидан бўлса ҳам ўша номақбул ишни такрорлаши мумкин. Демакки, биз қўшнимизнинг фарзанди тарбиясига бефарқ эканмиз, бу билан ўз фарзандимизнинг ҳам тарбиясини бузаётган бўламиз. Ваҳоланки, Аллоҳнинг каломи бўлган Қуръони Шарифда ҳам, мустақил юртимизнинг бош қомуси — Конституциямизда ҳам ота-онанинг фарзанд тарбиясига бурчли эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шундай экан, фарзандларимиз тарбияси нафақат бизнинг вазифамиз, балки қонун олдидаги бурчимиз ҳам эканини унутиб қўймаслигимиз лозим.

Энди масаланинг иккинчи жиҳатига келсак: айтайлик, сиз кимнингдир фарзанди қўл урган номақбул ишни кўриб, уни бу йўлдан қайтардингиз. Ота-онаси эса сизнинг яхшилигингизга ёмонлик билан жавоб қайтарди. Тўғри, сизнинг сўзингиз синди. Лекин ҳеч бўлмаса, виждонингиз олдида енгил тортасиз-ку! Ҳадисларда айтиладики, бирор-бир ноҳақликни кўрсангиз, қўлингиз билан қаршилик қилинг. Агар қўлингиздан келмаса, тилингиз билан қаршилик қилинг. Бу ҳам қўлингиздан келмаса, ҳеч бўлмаса, ана шу ноҳақликка дилингизда қаршилик қилинг...

Афсуски, ҳаётда оз бўлса-да, ана шундай ота-оналар учраб туради. Уларнинг фикрича, гўё ўғил ёки қизлари ҳаммадан ақлли, устун. Чекиш, айрим ҳолларда эса оз-оздан ичиш ҳам гўёки маданият белгиси. Бошқача айтганда, уларнинг назарида, замонавий фарзанд ҳамма нарсани кўриши, билиши, татиб кўриши керак. Бу гўё унинг ҳаётда қоқилмаслигига ёрдам берар эмиш. Энг ёмони, бугун тамаки тутатаётган боланинг эртага гиёҳвандга айланиб кетмаслигига ким кафолат беради?

Албатта, ҳеч ким!

Бугун ўсмир ёшида "маданият белгиси" сифатида оз-оздан ичкилик таъмини тотиб кўраётган боланинг эртага ҳаёти издан чиқиб кетмаслигини ким кафолатлайди? Яна ҳеч ким!

Агар ушбу мақолани сабр-бардош билан охиригача ўқиб кўрган бўлсангиз, энди ўзингизга савол бериб кўринг.

Йўл четида чекиб турган бола ким ўзи?!

Балки сизнинг ўғлингиздир?!

Балки менинг фарзандимдир?!

Балки яқин бир жигаримизнинг жигарбандидир?!

Ҳа, баракалла! Жуда тўғри топдингиз! Боланинг бегонаси бўлмайди!!!

Ёдингиздан чиқарманг, мана шу йўл четида чекиб турган нораста бола сизнинг, менинг, ҳаммамизнинг фарзандимиз! Уни мана шу ёмон йўлдан қайтаришга сиз, мен, ҳаммамиз бурчлимиз!

**Ислом ҲАМРО, журналист**



Charxi kajraftor

## БИР СЎЗЛИ МАҲБУС

Турли хил баҳс ёки гаров каби ўйинлар озод юрган кишиларнинг кўнглига сиғади. Буни қарангки, қамоқхонадагилар ҳам, гарчи панжара ортида ўтирса-да, гаров боғлаб бирор ишни амалга оширишга интилишаркан.

Италиянинг «Модивало» қамоқхонасида жазосини ўтаётган Энрико Бумо у ерда оғайнилари билан "фалон куни қамоқхонадан қочиб кетаман", дея гаров ўйнади. Ўртага 50 миллион лир тикилади. Ва Бумо сўзининг устидан чиқиб қамоқхонадан қочиб кетади. Ҳайратланарлиси шундаки, у эртасигаёқ ортига қайтиб, жазонинг қолган муддати, яъни 3 йилу 4 ойни ўташ учун тайёр эканини маълум қилди.

## ГУВОҲ — ТЎТИ

Гарчанд инсонлардек сўзламаса-да, лекин ақлли ва тақлидга уста бўлган тўтиқушларнинг қилган ишлари ва айтган гаплари доимо диққатимизни тортади. Улар иштирокидаги ажойиб ва ғаройиб воқеалар ҳақида эшитиш ҳам мароқли, албатта. АҚШнинг Техас штатида жойлашган шаҳарлардан бирининг полицияси шу ерлик бадавлат кишиникига ўғри тушиши ҳақида олдиндан хабардор қилинганига қарамасдан талончиларни қўлга тушира олмайди. Агар хонадондаги «Бейби» лақабли тўти бўлмаганида ким билсин, қидирув ишлари яна қанчагача давом этарди? Буни қарангки, тўти ўғирлик содир бўлаётган ерда талончилар бир-бирига мурожаат қилаётганида уларнинг исмини эслаб қолган экан. У бу ҳақда полицияга дарҳол "маълум" қилди. Шу тариқа талончилар қўлга олинди.

## ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

Қозон шаҳрида яшовчи бир машина ўғриси ўта нозик таъб чиқиб қолди. Гап шундаки, у фақат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг автоуловларига кўз олайтирар экан.

Дастлаб Набережние Челинда ўғирланган машина суд идораси ходиминики бўлиб чиқди ва у ҳеч қанча вақт ўтмай қўлга тушди. Адвокатнинг маҳорати билан суд залидан озод этилган ўғри ташқарига чиқибоқ, бошқа бир машинани олиб қочиб кетди. Бу галги машина уни жон куйдириб ҳимоя қилган шўрлик адвокатники экан...

Қизиқ, бу ўғрининг адвокатга миннатдорчилигимикин? Балки «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганлари шу бўлса керак.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА тайёрлади.**

Jinoyatga jazo muqarrar

# ЎН САККИЗИНЧИСИ — ТУЗОҚ!

СУД ОЧЕРКИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Кечқурун ишдан қайтаётиб, беихтиёр қўшнингизнинг вояга етмаган ўғли кўчада сигарет чекиб турганига кўзингиз тушди. Агар сиз ҳафсала қилсангиз, уни чақириб, чекишнинг зарари ҳақида икки оғиз гапирасиз. Билганингизча насиҳат қиласиз. Борингки, "яна чекканингни кўрсам, отангга айтаман", деб дашном беришингиз мумкин.

Шу ўринда лоқайдроқ одам бўлсангиз, бунга мутлақо эътибор бермайсиз, «менга нима, чекадими-ичадими — унинг иши», дея қўл силтаб ўтиб кетасиз. Ана энди айтинг-чи, сиз сўзимиз аввалида таъкидланган мақолга амал қилдингизми ёки йўқ?..

Ушбу саволга жавоб беришдан аввал масаланинг бошқа жиҳатини ҳам таҳлил қилиб кўрайлик.

Худди юқоридаги ҳолат. Яъни қўшнингизнинг фарзанди кўчада чекиб турганини кўриб қолдингиз. Унга панд-насиҳат бермоқчи бўлганингизда, у сизни силтаб ташлайди ёки эшитишни истамайди. Шунда сиз қандай йўл тутасиз?! Албатта, унинг ота-онасини чақириб, фарзандининг қилмишини бирма-бир айтиб берасиз. Агар ота-она сизнинг нега куйинчаклик қилаётганингизни тушуниб, боласини койиса, яхши. Лекин бунинг ўрнига "нега боламга хўжайинлик қиласан", деб ёқангиздан олсачи?..

Тонг отар паллада мол сўйилиб, буғи қайтмаган гўшт эрта саҳардан Юсуфбой қассобнинг дўконига чиқазилди. Осмондан тушган пул учала "учар" томонидан ўзаро тақсимланди.

Орадан икки ойдан зиёд вақт ўтди. Қор ёғди, излар босилди. Қиш чилласи Адилбой қассобни яна ўйлатиб қўйди.

Гуруҳни яна қайта уйига чорламоқчи бўлди. Бирдан миясида янги ўй туғилди. "Юсуфбой қассобга бало борми? — деди ўзига-ўзи. — Оғзимдаги ошни бировга бериб юрибман-а?.. Ўзим сотсам, нима қипти? Илҳомни оламан, Илҳомни. Битта томса, чакмонга томсин-да!.." Қассоб шу фикр оғушида мамнун жилмайиб, ўғли Илҳомга хабар юборди.

Шундай қилиб, учлик таркибида ўзгариш содир бўлди: Адилбой қассоб, Комилжон ва Илҳом. Ҳада, Илҳомжон ёшми? Оилали, уйли-жойли бўлса... Бунинг устига, бирор жойда ишламаса... Тирикчиликнинг ўзи бўладими? Шундай пайтда отаси қўлламаса, ким қўллайди уни? Қани, Илҳомжон, бўшашма, отангнинг этагидан тут...

Учовлон янги таркиб ва эски тахлитда мотоциклга мингашди. Адилбой қассобнинг кўрсатмасига биноан бу гал Комилжон рулни "Дўстлик" фермер хўжаликлари бирлашмаси томонга бурди. Қуролбой Ҳожибоевнинг молхонаси олдида бозор нархи 160 минг сўмча келадиган ғунажин боғлиқлик турарди. Адилбой қассоб эҳтиёткорона қадам ташлаб, молхонага яқинлашди. Молни қозиқдан бўшатиб олди-да, секин оғилхонадан узоқлаша бошлади. Сал юриб, жиловни ўғлининг қўлига тутқазди.

Йиғилган пул жимгина учалови чўнтагидан жой олди.

Кунлар, ойлар ортда қолди. Адилбой қассобга жон кирди. У ҳар гал йўлни атайлаб бошқа-бошқа хўжаликлар ёхуд Манғит шаҳри томон бошларди. Шу тариқа "Дўстлик" фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳудудида яшовчи Сафагул Бобожонова, Озодбой Эшмуродов, Шавкат Яримбетов, Алишер Қурбонбоев, "Тўлқин" фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳудудида яшовчи Жабборберган Ортиқов, Ўринбой Раимов, Қувват Холбоев, Гулмирза Кажабоев, "Оқ олтин" фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳудудида яшовчи Баҳром Ўрозимбетов, Тўлибой Камолов, Баҳодир Отажонов, Тўлибой Отажонов, "Тош-ёп" фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳудудида яшовчи Аҳмад Эримбетов, Жумабой Аллаберганов, Манғит шаҳрида яшовчи Тозагул Қутибоеваларнинг биттадан қорамоллари гумдон қилинди. Гўшт пули ўзаро бўлиб олиниб, жиғилдонда ҳазм бўлди. Боз устига, ҳар гал Адилбой қассобнинг ташкилотчилик хизматлари ҳам унутилмади: мол терисию, 5 кило гўшт ва яна калла гўшти ҳамда туёқлар уники эди.

Шу зайлда уюшган гуруҳ кирдикорлари бир йилу икки ой давом этди. Ўтган давр мобайнида ўн саккиз марта ўғрилик содир этилди. Аммо даъвогар сустлигию, ҳуқуқий онгнинг етишмаслигидан ҳар сафар ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолиб кетаверди. Хайриятки, ўғриликнинг ўн саккизинчисига келиб, вазият ўзгарди: "Тўлқин" фермер хўжаликлари бирлашмаси ҳудудида истиқомат қилувчи Зокир Ўрозбоев ўз ҳақ-ҳуқуқини қатъий ҳимоя қила олди. Очиқроқ қилиб айтганда, рўй берган ўғрилик ҳодисаси уни сергаклантириб юборди. Бу ҳолни унинг ўзи судда шундай изоҳлади:

— Эрталаб туриб қарасам, молхонамиздан битта мол ўғирланган... Бир вақт иккала одамнинг оёқ изларига кўзим тушди. Шу заҳоти излар бўйича Қипчоққа, Адилбой қассобнинг уйига етиб келдик. Темир ўчоққа бекитилган қозон ичидан молимизнинг териси чиқди. Гараждан калла ва туёқлари топилди. Кўрилган зарарни-ку ундириб олдим, бироқ бундай шармсизлик билан муроса қилиб бўлмайди...

Адилбой қассоб бу сўзларни ўз қулоғи билан эшитди. У ўзига қўйилган айбларни қисман тан олди. Беайб ўғлини жиноят кўчасига бошлагани хусусида эса ломмим демади. Жиноят ишлари бўйича Амударё тумани суди судланувчилар, даъвогарлар ва гувоҳларнинг баёнотлари, прокурор ва адвокатларнинг музокара сўзларига суянган ҳолда, Адилбой Қуватовни айбдор деб топди ва қилмишига яраша жазолади. Комилжон Қурбонбоев ва Илҳомжон Қуватовлар ҳам жиноятчи сифатида маълум муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Юсуфбой Қиличевга жазо тайинланганда, унинг муқаддам уч марта қамоқ жазосига ҳукм этилганлиги, судланганлик муддати тугамай туриб, яна қасддан жиноят содир қилганлиги ҳисобга олинди.

Узоқ давом этган жиноятчилик ҳаракатига якун ясади. Жиноят изини яширмоқчи бўлганларнинг умиди пучга чиқди.

Адилбой қассоб ва унинг гумашталари қассобчилик ниқоби остида боймоқчи эди. Аммо ҳийла-найранг йўли ўтмади.

**Шукуржон РАЖАБОВА, ҳуқуқшунос**

**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатларнинг Малака комиссияси томонидан Қашқадарё вилоят адвокатлар уюшмаси қошидаги ҳуқуқий маслаҳатхона адвокати Содатов Ибрагимга 1997 йил 2 июлда берилган KS 000143 сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳақидаги лицензия бекор қилинди.**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
2 3 4 5 6